

«Неча пул экан?»



10:07 / 30.10.2018 4210

Маслама ибн Абдулмалик Умар ибн Абдулазизнинг ҳузурига келди. Унинг эғнида Миср чойшабидан кийим бор эди. Халифа Умар ибн Абдулазиз сўради:

- Буни неча пулга олдинг, Абу Саъид?

Маслама унинг нарҳини айтди.

Шунда халифа деди:

- Нарҳини бир оз туширсанг обрўйинг камайиб қолармиди?

Маслам:

- Йўқ.

Халифа:

- Нархига яна қўшиб берсанг, обрўйинг кўтарилиб қолармиди?

Маслама:

- Йўқ.

Халифа:

- Билиб қўй, Маслама, савдолашишнинг афзали бадавлат бўла туриб савдолашишдир. Кечиришнинг афзали жазолашга қодир бўла туриб кечиришдир. Мулойимликнинг афзали волий (ҳоким) бўлганидан кейинги мулойимликдир.

Чинакам инсонлар

Ибн Муборак билан Суфён Саврий ўртасида шундай савол-жавоб бўлиб ўтган экан:

- Чинакам инсонлар кимлар?

- Уламолар

- Кимлар чинакам шарафли?

- Тақводорлар.

- Чинакам подшоҳлар кимлар?

- Парҳезкорлар.

- Чинакам омилар кимлар?

- Гап билан одамларнинг пулини оладиган қиссагўйлар.

- Чинакам пасткашлар кимлар?

- Золимлар.

Ҳоний ал Ҳаж

“Солиҳлар гулшани” китобидан